

АРХИТЕКТУРАДА ОРДЕРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА КОМПОЗИТСИОН ЎРНИ

Сайфуллаева Рухсора Хикматилла кизи.

Тошкент архитектура – қурилиш университети

Архитектура факультети ўқитувчиси

+998903361107 Ruhsora0990hh@icloud.com

Жураева Сарвиноз Ғафур кизи

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи (PhD)

+998994631849 sarvinozjorayeva1990@gmail.com

Аннотация: *Ордерларининг келиб чиқиши, уларнинг таркибий қисмлари, классик пропорция қоидалари, шунингдек, ордерларнинг замонавий меъморчиликдаги қўлланилиши ҳақида. Қадимги Юнон ва Рим меъморчилигида шаклланган асосий ордерлар - Дор, Ион, Коринф, ҳамда Тоскан ордерларининг бадий ва конструктив хусусиятлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, уларнинг ҳозирги замонавий биноларидаги эстетик аҳамияти ва композицион вазифалари ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *ордер, устун, база, капитель, антаблемент, Тоскан, Дор, Ион, Коринф.*

Аннотация: *В статье рассматривается происхождение архитектурных ордеров, их конструктивные элементы, пропорциональные правила и применение ордерных систем в современной архитектуре. Анализируются пять классических ордеров — дорический, ионический, коринфский, тосканский и композитный, их декоративные и конструктивные особенности, а также их роль в формировании архитектурной композиции.*

Ключевые слова: *ордер, колонна, база, капитель, антаблемент, пропорции, дорический, ионический.*

Abstract: *This article examines the origin of architectural orders, their structural elements, proportional systems, and the use of classical orders in contemporary architecture. The study analyzes the five main orders — Doric, Ionic, Corinthian, Tuscan, and Composite — focusing on their artistic, decorative, and constructive characteristics, as well as their significance in architectural composition and façade design.*

Keywords: *order, column, base, capital, entablature, proportions, Doric, Ionic.*

Кириш. Архитектура ордени (лот. ordo — қатор, тартиб) — колонна ва пилястра каби вертикал элементлар ҳамда антаблемент каби горизонтал элементлардан ташкил топган архитектура композитсияси тури. Бошқа та’риф билан айтганда: маълум бир услуб архитектурасида элементлардан фойдаланиш тартиби ёки изчиллиги. Орден пропорциялар тизимини ўз ичига олади, элементларнинг таркиби, шаклини ва уларнинг ўзаро жойлашувини белгилайди.[1]

Антик Юнонистонда устун-тўсинли тош қурилмалар асосида шаклланиб етук бадий-образли меъморий ифодага эга бўлган ва “ордер”лар деб аталувчи қадимги меъморий қурилмалар туркумига замондошларимиз жуда катта қизиқиш билан қарашган. Архитектура ордерлари классик меъморчиликнинг энг муҳим тизимларидан бири сифатида шаклланган бўлиб, улар бино тарзининг конструктив ва бадий тузилишини белгилайди. Устун, капитель, база ва антаблементнинг аниқ пропорцион мослиги ордер тизимларининг асосий моҳиятини ташкил этади. Қадимги Юнон ва Римда шаклланган ушбу тизимлар кейинчалик Европанинг турли услубларига, Шарк меъморчилигига ва замонавий архитектурага катта таъсир кўрсатди.

Ушбу мақоланинг мақсади архитектура ордерларининг тарихий ривожланиши, турлари, композицион хусусиятлари ва уларнинг замонавий лойиҳалашдаги ўрнини ўрганишдан иборат.

Меъморчилик тарихида бир вақтлар икки устун устига тўсин ўрнатиб иморат ёпиш жуда катта янгилик ҳисобланган. Чунки бундай ҳаракат иморатсозликда устун-тўсинли қурилмалар тизимининг яратилишига асос солган. Шундай қилиб меъморчиликда ўзига хос қурилмавий тартиб - ордер тизими вужудга келган. Бундай тартиб илк бор Қадимги Миср архитектурасида ибодатхоналар қурилишида кенг қўлланилган. Қадимги Миср меъморчилигида эришилган устун-тўсинли қурилмавий тажрибалар антик Юнонистонда янада такомиллаштирилиб, яхлит ғоя ва гармония асосида умумлашган композицион тизим - устун-тўсинли тош қурилмалари тектоникаси – “ордерлар” сифатида мелоддан олдинги VI-V асрларда ташкил топган.[2]

“Ордер” латинча “ordo” сўздан олинган бўлиб, тартиб маъносини англатади. Ордер бу оғирлик кўтарувчи устун-тўсинли тош қурилмаларининг шундай образи бўлиб, унда иншоотнинг амалий қурилмавий шакллари ва бадий тафсилотлари тўлиқлигича очиб берилган. Ушбу тартиб орқали оғирлик тушаётган ва оғирликни кўтараётган меъморий шакллар орасидаги хандасавий мутаносиблик бинода узининг тугал тектоник ифодасини топган.

XX аср архитектура тадқиқотчилари орденни фақат конструктив тизим сифатида талқин қилишдан аста-секин воз кечган. Агар архитектура қурилишдан фарқли ўларок, бадий ижод тури бўлса, унда архитектура ордени ҳам фақат устун-балка тизимининг эмас, балки ҳар қандай барқарорлик ва мустаҳкамлик берувчи конструкциянинг бадий қайта талқинидир. Шу боис «девор ордени» (колоннализ) ёки астиляр орден (юнонча α — йўк, stylos — устун) атамалари пайдо бўлган.

Пастида сокол, юқорида карниз, ўртасида тасмалар, руст, эшик ва дараза ромлари, сандриктар билан безатилган девор ҳам тектоник маънога эга бўлиб, орденлик хусусиятини олади. Бундай композитсияда пастки қисм, юқори қисм, асос, кўтарувчи ва кўтарилган қисмлар равшан кўринади.

Шу маънода «орден йўк» деб фақат бадий-композицион уечими бўлмаган, тектоник тамойиллари кўринмайдиган иншоотни аташ мумкин. Шундай қилиб, орденлик тушунчаси тектониклик билан яқин, аммо тектоника тушунчаси ундан кенгрокдир.

Яна ҳам дадил таъриф билан айтганда: орден — бу архитектура санъатидаги асосий бадий троп, яъни конструкцияни бадий образга айлантириш, «иншоот образини» яратиш усули.



Венециядаги Палаццо Гримани ди Сан-Лука саройидаги (1556–1575) орденли безаклар.

Ордернинг асосий элементлари иккита: устун ва антаблементдир. Бу икки асосий элемент учта вазифа: 1) иншоотнинг мустахкамлигини таъминлайдиган; 2) бинони ёмғир ва куёшдан асрайдиган; 3) бинога ўзига хос образ бағишловчи бадий вазифаларни бажаради.

Анъанавий тушунча бўйича архитектура ордени уч қисмли тузилмага эга — унинг барча элементлари уч бўлимга бўлинади: 1. постамент (стилобат, стереобат), 2. таякчи қисми (колонна), 3. юқори қисми (антаблемент).

Колонна ҳам уч қисмдан иборат: 1. база, 2. устун танаси (фуст), 3. капител.

Антаблемент қисми архитектрав, фриз ва карниздан иборат. Ордер турига қараб уларнинг нисбати ўзгаради. Барча ордерларда ҳам антаблемент уч таркибий қисмдан: архитрав, фриз ва карнизлардан иборат. Архитрав - устунларни туташтирувчи тош блоклари-тўсинлардан иборат бўлиб, антаблементнинг асосий оғирлик қўтарувчи пастки қисмидир. Фриз - ёпманинг болор ва тош тахталари таянадиган текис кўриниш деворига эга. Олдинга чикиб турувчи карниз тош тахтаси - гейсон эса карниздаги асосий таркибий қисмни ташкил қилади карниз томан ёмғир сувлари оқиб тушадиган сима билан тугалланади.

Дор ордери қурилиш қонуниятларининг қатъийлиги хосдир. Унинг антаблементи бошқа ордерларга нисбатан каттароқ, устунлари эса зич жойлашган. Антаблемент фризи триглиф деб аталувчи, юзасида вертикал уйиқларга эга булган каттакон тош блокларидан тузилган. Триглифлар архитрав шундай қўйилганки, уларнинг вертикал юзасининг олд томони архитрав вертикал юзасига мос келади.

Триглифларга карниз тош тахталари қўйилган. Бурчакларда турувчи триглифларнинг иккала юзасига ҳам вертикал уйиқлар билан ишлов берилган. **Дор ордери** устунлари пойустун базага эга бўлиб, база бевосита асоснинг устки зинаси - стилобатга қўйилган. Дор ордер қурилмаларини Афина акрополининг бош эҳроми Парфенон ибодатхонасида кўриш мумкин. Мармартошдан мохирона ясалган дор ордер шакллариининг улуғворлиги, оддийлиги ва шу билан бирга, уларнинг умумий меъморий нисбатлари, уйғунлиги ва бундай меъморчилик тартибларининг мунтазамлиги, буларнинг барчаси Парфенонда узининг олий ифодасини топган.

Ион ордери эса бошқачароқ хусусиятларга эгадир. Дор ордер каби ион ордер ҳам ёғоч қурилмаларидан то тошгача бўлган босқичарда мукаммаллашган. Ион ордерининг фризи

триглиф ва метопалардан холи яхлит девор шаклига эгадир. Бу эса устулар оралиқини оширишга, уларни эркинрок жойлаштиришга имкон яратган. Ион ордерлардаги устунлар ораси масофасининг ўзгариши тектоник талабларнинг ўзгариши билан бирга кечган. Нисбатлар бироз енгиллашган, дор ордерига кўра баландлиги устун баландлигига нисбатан кичрайган, устун нозиклашган, ораликлар кенгайган, архитрав тўсини нисбатан ингичкароқ ва пастрок юзага эга булган. Ордер кисмари нақшинкор безаклар ва уймакорлик элементлари билан бойитилган. Ион ордернинг байрамона гўзал композицияси ион катипелнинг валюта, балюстрада ва фризида ўзининг юксак бадий ифодасини топган. Ушбу ордернинг пластик элементлари ва ритмик нақшлари кейинчалик меморий амалиётда кенг қўлланилган.


Кориниф ордери Антик Юнонистонда дор ва ион ордерлари шаклланганидан кейн коринф капители умумий кўринишда шакллана бошлаган. Унда дастлаб ион ордерининг барча қисмлари мужассамлашган бўлган.

Рим даврига келиб эса коринф ордери ўзгача антаблемент ва умумий кўринишга эга бўлади. Коринф капителининг юқори қисми мураккаб шаклаги абак ва кўнғироқ (колокол)лардан ташкил топган, пастки қисми эса ўсимликсимон барг шакллари - акант хамда катта ва кичик валюталардан тузилган. Юнонча коринф ордери Афинадаги Олимпия Зевс эхромида ўзининг яккол ифодасини топган.

Антик Юнонистонда шаклланган архитектуравий ордерлар умум дунё архитектураси тараккиётига қўшилган муҳим ҳисса ҳисобланади. Меъморий ижодда қўлланиладиган, архитектурага хос тектоник, объектив қурилмавий бадий қонуниятлар архитектуравий ордерларда ўз аксини топган. Ордерларни архитектуранинг барча хусусий томонларини қамраб олувчи архитектуравий композициянинг восита ва йўлларининг муштараклиги деб тушунмок лозим. Архитектуравий ордерлар хам хар бир ижтимоий даврга мос равишда ривожланиб, мукамаллашиб бораверган. Антик Юнонистондан кейин ордерлар тизими Римда кенг қўлланила бошланган.

Витрувий ордерларни ишлаб чиқиш, уларнинг қисмлари, ўлчамларини аниқлаш учун шартли ўлчов бирлиги - устуннинг пастки диаметрига тенг бўлган модулни яратади. Модуль ёрдамида содда рақамлар нисбатини қўллаган ҳолда ордерлар қисмлари шаклланининг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Тоскан ордеридан ташкари барча ордерларнинг устунлари каннелюралар билан безатилган. Тоскан ва дор устунларининг бошалари бир хил таркибий қисма: абак, эҳин ва бўйинга (шейка) эгадир. Шундай қилиб архитектуравий ордерлар устун-тўсили қурилмавий туркумнинг кенг тарқалган, лекин ягона бўлмаган тизими сифатида шаклланди. Жаҳон халқлари архитектурасида шу чокқача устун-тўсили қурилмаларнинг турли шакллари кенг ишлатилган. Ўрта Осиёда, масалан, бундай қурилмаларда қурилиш материали сифатида асосан ёғоч қўлланилган.



а-Тоскан, б-Дор, в-Ион, г-Кориниф

Биз урганган ордерларни ҳозирги замонавий архитектурада ўзининг аҳамияти билан ажралиб туради. Ўзбекистон ҳудудида қўлланилаётган ордерлар бир қанча турларини кўриб чиқиш натижасида устозларимиздан Ҳайрулла Пўлатов томонидан изланишларни мавжуд. Бунда Хоразм ёғоч ордерлар тизимини модулга солинганини ва ҳозирги кунда биноларда қўлланилаётгани билан аҳамиятлидир.[3] Ўзбекистон ҳудудидаги кимёгарлар маданият саройи, Қатоғон қурбонлари музейи,

Хотира хиёбони, Қишлоқ ва суз хўжалиги вазирлиги ва бир қанча замонавий архитектурада қўлланилмоқда. Ордерларни кўриб чиққанимизда асосан бунда устун-тўсин оғирликни кўтариш вазифасини олган бўлса, баъзан бунда безак сифатида ҳам қўлланилиши ҳам мумкин. Ўзбек меъморчилигида эса айвон устунлари, пешток элементлари классик ордерлар билан ўхшаш композицион вазифаларни бажармоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ордерлар минг йиллар давомида меъморчилик ривожига таъсир кўрсатиб келмоқда. Классик Юнон ва Рим ўрдерлари замонавий лойиҳалашда ҳам муҳим ўрин тутади. Уларнинг пропорцион ва композицион қоидалари ҳар бир архитектор учун назарий асос саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
2. Тошкент Архитектура Курилиш Институти “Архитектуравий композитсия ва лойиҳалаш асослари” Фанидан ўқув-услубий мажмуа Т:2020
3. Утанова. Д.А. Пўлатов Х.Ш. “Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари”. Ўқув-услубий қўлланма. Т.:2024.
4. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилиги тарихи.